

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**
DSc.03/30.12.2019.Ped.48.01 РАКАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

РАФИКОВА МУАТТАР РАВШАНОВНА

**БЎЛАЖАК БОЖХОНА ХИЗМАТИ ОРГАНИ ХОДИМЛАРИНИ
КАСБИЙ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШ ЖАРАЁНИДА ҲУҚУҚИЙ
МАДАНИЯТНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МЕТОДИКАСИ**

13.00.05 – Касб-хунар таълими назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on pedagogical sciences**

Рафикова Муаттар Равшановна

Бўлажак божхона хизмати органи ходимларини касбий фаолиятга тайёрлаш
жараёнида ҳуқуқий маданиятни такомиллаштириш методикаси.....3

Рафикова Муаттар Равшановна

Методика совершенствования правовой культуры в процессе подготовки
будущих сотрудников органов таможенной службы к профессиональной
деятельности.....23

Rafikova Muattar Ravshanovna

Methodology for improving the legal culture of employees of the future customs
service in the process of preparing for professional activity.....43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....47

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**

DSc.03/30.12.2019.Ped.48.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

РАФИКОВА МУАТТАР РАВШАНОВНА

**БЎЛАЖАК БОЖХОНА ХИЗМАТИ ОРГАНИ ХОДИМЛАРИНИ
КАСБИЙ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШ ЖАРАЁНИДА ҲУҚУҚИЙ
МАДАНИЯТНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МЕТОДИКАСИ**

13.00.05 – Касб-хунар таълими назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Ped1037 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Педагогик инновациялар, касб-хунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтида бажарилган

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.vocedu.uz) ҳамда "Ziynet" Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган

Илмий раҳбар: Халалова Шахноза Турғуновна
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Шодиев Ризамат Давронович
педагогика фанлари доктори, профессор

Нуриддинов Баҳодир Собирович
педагогика фанлари номзоди, доцент


Етакчи ташкилот: Бухоро давлат университети


Диссертация ҳимояси педагогик инновациялар, касб-хунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти ҳузурдаги DSc 03/30.12.2019 Ped 48 01-рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил "30" 11 соат 13:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 76-уй. Тел.: 246-92-17, факс: 246-90-37, e-mail: pedagogikinnovatsiyalar@edu.uz)


Диссертация билан педагогик инновациялар, касб-хунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (20 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 76-уй. Тел.: 246-92-17; факс: 246-90-37).

Диссертация автореферати 2020 йил "17" июль кўни тарқатилди
(2020 йил "17" июль даги № 17 рақамли реестр баённомаси).




Ш. Э. Қурбонов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор


С. Ю. Ашурова
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, п.ф.н., профессор


Қ. Т. Олимов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда глобаллашув жараёнининг чуқурлашиши натижасида рақобатбардош, ҳар томонлама етук, ҳуқуқий маданиятга эга кадрларга бўлган талаб тобора ортиб бормоқда. Божхона кадрларини тайёрлаш амалиётига замонавий педагогик технологияларнинг жорий этилиши ушбу соҳа фаолиятининг самарадорлигини ошириш йўлида ташланган муҳим қадам бўлди. Ҳуқуқий маданиятнинг шаклланганлик даражаси, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий салоҳият бўлажак божхона хизмати органи ходимларининг касбий фаолиятида муҳим ўрин эгалловчи омиллардир. Хусусан, жаҳон иқтисодий тизимида интеграция, глобаллашув жараёндари ривожланаётган шароитда божхона хизмати органи ходимларининг касбий тайёргарлигини ошириш миллий манфаатларни ҳимоялаш ва иқтисодий хавфсизликни таъминлашда муҳим ўрин тутди.

Дунё миқёсида бўлажак мутахассислар ҳуқуқий ва ахлоқий маданиятини юксалтиришнинг методологик асосларини такомиллаштириш, инновацион усул ва воситаларини яратиш, ушбу тизимни ривожлантиришнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш, шунингдек божхона хизмати органи ходимларининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришнинг самарали тизимини яратиш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишнинг шакл ва усулларини тадқиқ этиш зарур. Айниқса, бўлажак божхона ходимларини касбий фаолиятга тайёрлашнинг бошланғич давридаёқ ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган махсус курсларни ташкил этиш, касбий фанлар мазмунида ҳуқуқий маданиятни шакллантириш методларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш долзарб ҳисобланади.

Мамлакатимизда давлат божхона тизими учун кадрлар тайёрлаш соҳасида муҳим ишлар амалга оширилди. Жумладан, давлат таълим стандартларига мувофиқ ўқув дастурларини такомиллаштириш, дарсликлар яратиш, ўқув жараёнига инновацион таълим технологиялари ва воситаларини жорий этиш каби вазифалар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш асосида олий таълим муассасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш, илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш”¹ вазифалари белгиланган. Уларнинг ижроси бўлажак божхона хизмати органлари ходимларини тайёрлаш сифатини инновацион ёндашувлар асосида такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 18 октябрдаги 502-сонли “Давлат божхона хизмати тўғриси”даги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон

¹ “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — 2017. — № 6. — 70-молда.

Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2018 йил 12 апрелдаги ПФ-5414-сонли “Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 9 январдаги ПФ-5618-сонли “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармонлари, 2018 йил 2 ноябрдаги ПҚ-3995-сонли “Ўзбекистон Республикаси божхона органлари кадрларини тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, Давлат божхона қўмитасининг 2016 йил 28 мартдаги 66-сонли “Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органи ходимининг одоб-ахлоқ қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғи ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазибаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Таълим тизимида кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, бўлажак мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлаш жараёнини такомиллаштириш, кадрларнинг касбий маҳоратини ривожлантиришга оид илмий тадқиқотлар республикамиз олимлари Р.Х. Джўраев², Ш. Э. Қурбанов³, Қ. Т. Олимов, Н. А. Муслимов, Ш. С. Шарипов, У. Ш. Бегимқулов⁴, М. Б. Уразова, Ж. А. Ҳамидов, О. Мусурмонова⁵, Д. О. Ҳинматалиевлар томонидан олиб борилган.

Ҳуқуқий маданиятнинг моҳияти, тушунчаси, вазибалари ва методологияси, ёшларга ҳуқуқий билим бериш, уларда ҳуқуқий онг ва маданиятни шакллантириш масалалари — Е. В. Аграновская, С. С. Алексеев, Е. В. Бичкова, Ҳ. Б. Бобоев, Г. Н. Васин, З. М. Исломов, Н. Н. Лебедева, Ш. Мардонов, В. А. Медведев, А. С. Никулин, А. Х. Саидов, А. П. Семитько, У. Т. Таджиханов, В. П. Федорин томонидан; шахснинг умумий маданиятини шакллантириш масалалари — О. З. Зайнидинов, И. М. Муминов, О. Мусурмонова, А. У. Ҳамроев томонидан; божхона хизмати ходимларида

² Джўраев Р.Х. Организационно-педагогические основы интенсификации системы профессиональной подготовки в учебных заведениях профессионального образования. Автореф. дис. ... д-ра пед. наук. — Ташкент, 1995. — 43 с.

³ Қурбанов Ш. Э., Сейтхалилов Э. А. Управление качеством образования. — Т.: Шарқ, 2004. — 552 с.; Бегимқулов У. Ш. Педагогик таълим жараёнларини ахборотлаштиришни ташкил этиш ва бошқариш назарияси ва амалиёти. Пед. фан д-ри ... дис. — Т., 2007. — 305 б.

⁴ Бегимқулов У. Ш. Педагогик таълим жараёнларини ахборотлаштиришни ташкил этиш ва бошқариш назарияси ва амалиёти. Пед. фан д-ри ... дис. — Т., 2007. — 305 б.

⁵ Мусурмонова О. Юқори синф ўқувчилари маънавий маданиятини шакллантиришнинг педагогик асослари. Пед. фан д-ри ... дис. — Т., 1993. — 364 б.; Мардонов Ш. Педагог кадрларни таълимий кадрлар асосида тайёрлаш ва малакасини оширишнинг педагогик асослари. Пед. фан д-ри ... дис. — Т., 2006. — 302 б.

мафқуравий иммунитет ҳосил қилиш масалалари эса Ш.А.Акрамова ва бошқа олимлар томонидан тадқиқ этилган.

Узлуксиз таълимнинг турли босқичларида таълим олувчиларнинг ҳуқуқий, ахлоқий, экологик, касбий маданиятини шакллантириш масалалари — Н. Акбаров, Қ. Ишонов, Ф. Жуманова, Т. К. Кудайбергенова, Х. Маматов, И. Машарипов, Н. Маҳкамова, Д. Сагдуллаева, Н. Ф. Сайдалиходжаева, М. Усмонбоева, Д. Химматалиев, Ё. О. Эрназарова томонидан; божхона тизимида кадрлар салоҳиятини ошириш, божхона хизмати ходимларини касбий ва ахлоқий тайёрлаш, психологик, педагогик, ижтимоий-компетентлигини шакллантириш масалалари эса Ш. А. Акрамова, Г. А. Асилова, И. Н. Аслонов, Э. Белецкий, Р. Женжеруха, А. Красильников, А. В. Кудц, В. Шаля⁶ томонидан тадқиқ этилган.

Юқорида келтирилган олимларнинг илмий изланишлари асосан шахснинг умумий маданияти, ҳуқуқий маданиятнинг айрим умумий жиҳатларига бағишланган. Аммо уларда бўлажак божхона хизмати органи ходимларини касбий фаолиятга тайёрлаш жараёнида ҳуқуқий маданиятни такомиллаштириш методикасини ишлаб чиқиш муаммолари бевосита акс этмаган. Шу сабабли бўлажак божхона хизмати органи ходимларини касбий фаолиятга тайёрлаш жараёнида ҳуқуқий маданиятни такомиллаштириш масалаларини комплекс тадқиқ этиш долзарб саналади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 1 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона институтининг божхона иши ва иқтисодий хавфсизлик соҳасидаги амалий ва инновацион тадқиқотларнинг устувор йўналишлари” бўйича тасдиқланган Р-01–17/16-072-сонли чора-тадбирлар дастури доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бўлажак божхона хизмати органи ходимларини касбий фаолиятга тайёрлаш жараёнида ҳуқуқий маданиятни такомиллаштириш методикасини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тадқиқот мавзусига оид илмий-педагогик, фалсафий, сиёсий, психологик манбаларни таҳлил қилиш орқали муаммонинг педагогик, психологик ва методик аҳамиятга эга эканлигини асослаш;

курсантларда ҳуқуқий маданиятни ривожлантиришнинг ижтимоий, педагогик-психологик омилларини аниқлаштириш;

ҳуқуқий тарбиялаш жараёнида ҳуқуқий маданият функциялари (ҳуқуқий тайёргарлик, ҳуқуққа қадриятли муносабат, ҳуқуқий барқарорлик, ҳуқуқий фаоллик)ни белгилаш орқали ҳуқуқий маданиятни такомиллаштириш методикасини ишлаб чиқиш;

⁶ Шаля В.М. Профессиональная правовая культура должностных лиц таможенных органов: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук — М., 2009. — 30 с.

“Булажак божхона хизмати ходимларининг ҳуқуқий маданияти” махсус курсининг ўқув дастури ҳамда дидактик таъминотини такомиллаштириш;

булажак божхона хизмати ходимларининг ҳуқуқий маданиятини баҳолаш мезонлари, курсаткичлари, даражаларини аниқлаш ва тажриба-синовдан ўтказиш.

Тадқиқотнинг объекти булажак божхона хизмати органи ходимларини касбий фаолиятга тайёрлаш жараёнидир.

Тадқиқотнинг предмети булажак божхона хизмати органи ходимларини касбий фаолиятга тайёрлаш жараёнида ҳуқуқий маданиятни такомиллаштиришнинг мазмуни, шакл, метод ва воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида илмий-методик адабиётларни қиёсий ўрганиш, кузатиш, тизимли таҳлил, педагогик диагностика, интервью, илмий прогноз, моделлаштириш, педагогик тажриба-синов, математик-статистик ва маълумотларни қайта ишлаш, эмпирик ва квалиметрик методлардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилigi куйидагилардан иборат:

булажак божхона хизмати органи ходимларини касбий фаолиятга тайёрлаш сифатини таъминлашда ҳуқуқий маданиятни ривожлантиришнинг ижтимоий, педагогик-психологик, диагностик функцияларини белгилаш орқали ҳуқуқий маданиятни такомиллаштириш босқичлари асосланган;

булажак божхона хизмати органи ходимларини касбий фаолиятга тайёрлашнинг мазмуний-методик, технологик ва натижавийлик компонентлари яхлитлиги ҳамда алоқадорлигини таъминлаш орқали ҳуқуқий маданиятни такомиллаштириш методикаси ишлаб чиқилган;

“Булажак божхона хизмати ходимларининг ҳуқуқий маданияти” махсус курсининг ўқув дастури мазмуни курсантларнинг ҳуқуқий маданияти ва саводхонлигини ошириш мақсадида махсус курсларни ташкил қилиш зарурлигини асослаш орқали оптималлаштирилган;

курсантларнинг касбий маданиятини ривожлантиришда ижтимоий ва умуммаданий компетенцияларни ривожлантиришга қаратилган “Казус”, “Кейс-стади”, “Мантикий чалкаш занжир” инновацион технологияларини касбий фанларни ўқитишда қўллаш орқали касбий фаолиятга тайёрлашнинг ўқув-методик таъминоти такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

Давлат божхона қўмитаси Божхона институтининг 5230500 — Божхона иши ва 5240100 — Юриспруденция (Иқтисодий хавфсизликни ҳуқуқий таъминлаш) таълим йўналишлари курсантлари учун “Давлат ва ҳуқуқ назарияси” ва “Фуқаролик ҳуқуқи”, “Маъмурий ҳуқуқ ва маъмурий жавобгарлик” фанларидан ўқув дастурлари, “Давлат ва ҳуқуқ назарияси фанидан атамалар луғати” ва “Божхона органи ходимларининг ҳуқуқий маданияти” номли ўқув-услубий қўлланмалар тайёрланди;

булажак божхона хизмати органи ходимларида ҳуқуқий маданиятни такомиллаштириш модели ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этишнинг илмий-методик асослари яратилди;

“Булажак божхона хизмати ходимларининг ҳуқуқий маданияти” махсус

курси киритилди ва амалиётга татбиқ этилди;

божхона тизими соҳасида таълим олаётган курсантларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган таълимнинг мазмуни, шакл, метод ва воситалари такомиллаштирилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги хорижий ҳамда ОАК рўйхатидаги илмий журналларда чоп этилган мақолалар, халқаро ва республика миқёсидаги илмий конференция материаллари, илмий-методик тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги; бўлажак божхона хизмати органи ходимларнинг ҳуқуқий маданиятини такомиллаштиришга оид ўқув материаллари нашрдан чиқарилиб, таълим жараёнига татбиқ этилганлиги; тадқиқот вазифаларига мос келувчи илмий методлар қўлланилганлиги; тажриба-синов ишлари иштирокчиларини танлашдаги репрезентативлик; олинган натижаларнинг математик-статистик таҳлили ва ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган ҳамда асосланган илмий гоа ва методик тавсиялардан бўлажак божхона хизмати органи ходимларида ҳуқуқий маданиятни такомиллаштиришни самарали йўлга қўйишда, шунингдек бўлажак божхона хизмати органи ходимларида ҳуқуқий маданиятни ошириш бўйича ўқув дастурлари, ўқув-методик қўлланмалар, электрон ва бошқа воситаларнинг методик апаратини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти бўлажак божхона хизмати органи ходимларида ҳуқуқий маданиятни такомиллаштириш ҳамда ҳуқуқий билим, кўникма ва малака асосларини шакллантириш методикаси ишлаб чиқилганлигида, диссертация материалларидан Божхона институти курсантлари, Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари ҳамда Миллий кинология маркази тингловчиларининг назарий ва амалий машғулотларни ташкил этишда фойдаланиш мумкинлигида кўринади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бўлажак божхона хизмати органи ходимларини касбий фаолиятга тайёрлаш жараёнида ҳуқуқий маданиятни такомиллаштириш бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари асосида:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Божхона институти бакалавриати ва магистратурасига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги 2019 йил 29 апрелдаги 365-сонли Қарорининг 3-банди талаби юзасидан амалдаги ҳужжатларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан берган тақлифларидан Божхона институтига ўқишга кириш тартибидаги Низомда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2019 йил 5 июлдаги 05/13-05528-сон ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 10 октябрдаги 89-03-3842-сон маълумотномаси). Мазкур тақлифлар бўлажак божхона хизмати

ходимларининг касбий фаолиятга тайёрлаш жараёнини такомиллаштиришга хизмат қилган;

“Казус”, “Кейс-стади”, “Мантикий чалкаш занжир” инновацион технологияларини қўллаш орқали курсантларнинг ҳуқуқий маданияти ва саводхонлигини оширишга оид таклиф ва тавсиялардан 5230500 — Божхона иши ва 5240100 — Юриспруденция (Иктисодий хавфсизликни ҳуқуқий таъминлаш) таълим йўналишлари учун “Бўлажак божхона хизмати ходимларининг ҳуқуқий маданияти” махсус курсининг ўқув дастури ҳамда ўқув-услубий таъминоти мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 10 октябрдаги 89-03-3842-сон маълумотномаси). Мазкур тавсиялар “Бўлажак божхона хизмати ходимларининг ҳуқуқий маданияти” махсус курсининг ўқитиш сифатини ошириш натижасида курсантларда ҳуқуқий маданиятни шакллантиришга хизмат қилган;

Бўлажак божхона хизмати органи ходимларининг ҳуқуқий маданиятини такомиллаштириш орқали касбий тайёргарлик даражасини оширишнинг назарий ва амалий, педагогик шарт-шароитлари, мазмуни, шакл ва методларини аниқлашга доир тавсия ва ишланмалари “Божхона органи ходимларининг ҳуқуқий маданияти” ўқув методик таъминотининг мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 10 октябрдаги 89-03-3842-сон маълумотномаси). Мазкур ўқув-услубий таъминот бўлажак божхона хизмати ходимларининг ҳуқуқий маданиятини ошириш бўйича ўқув дастурлари, ўқув-методик қўлланмалар, электрон ва бошқа воситаларнинг методик аппаратини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 22 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 40 та илмий-услубий, шу жумладан 2 та ўқув-методик қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола (улардан 2 таси хорижий ва 7 таси республика журналларида) нашр эттирилган. Шунингдек, 2 та электрон ўқув дастури учун Давлат интеллектуал мулк агентлигидан муаллифлик гувоҳномалари олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 132 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги асослантилган,

муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертациянинг олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги, мақсад ва вазибалари, объекти ва предмети, тадқиқот усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган. Шунингдек, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси ҳамда эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертация ишининг “**Бўлажак божхона хизмати органи ходимларини касбий фаолиятга тайёрлаш жараёнида ҳуқуқий маданиятни такомиллаштиришнинг назарий асослари**” деб номланган биринчи бобида бўлажак божхона хизмати органи ходимларида ҳуқуқий маданиятни такомиллаштиришнинг ҳозирги ҳолати, соҳада амалга оширилган илмий тадқиқотларнинг натижалари ёритилган ҳамда тегишли адабиётларни, фаннинг назарий асосларини, шунингдек «ҳуқуқий маданият» тушунчасининг моҳиятини чуқур ўрганиш орқали бўлажак божхона хизмати органи ходимларининг ҳуқуқий маданиятини ташкил қилувчи омиллар ва уларнинг мазмуни таҳлил қилинган.

Ҳозирги вақтда ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида уларнинг фаоллигини ошириш, юксак маънавиятли, мустақил фикрловчи, қатъий ҳаётий позиция, кенг дунёқараш ва чуқур билимга эга ватанпарвар ёшларни тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилгани бежиз эмас. Zero, юртимизни юксак ривожланган давлатлар каторига қўшиш мақсадида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар натижаси кўп жиҳатдан билимли, ҳуқуқий тафаккури юксак, интилувчан ёшларга боғлиқ.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёев: “..Биринчи навбатда аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида ҳуқуқий тарбияни кенг йўлга қўйишимиз лозим. Оддий қилиб айтганда, фарзандларимизга болалик пайтидан “яхши” ва “ёмон”, “мумкин” ва “мумкин эмас” деган тушунчалар ўртасидаги фарқни ўргатишимиз, ўзимиз эса уларга доим шахсий намуна бўлишимиз керак”⁷, — деб таъкидлаган.

Бўлажак божхона хизмати органи ходимларини касбий фаолиятга тайёрлашда ҳуқуқий нормалар, ҳуқуқий ишонч ва қадриятлар, шахсий эътибор ва ўз қадрини билиш катта аҳамиятга эга. Ҳуқуқий маданият бўлажак божхона ходимнинг ахлоқий қиёфасини шакллантиради.

Бўлажак божхона хизмати органи ходимларининг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш омиллари ва унинг ижтимоий функциялари, ҳуқуқий маданиятнинг моҳияти, таркибий қисмлари ҳуқуқшунос, файласуф, социолог ва педагог олимлар томонидан ўрганилган бўлиб, уларнинг фикрлари кўп ҳолларда бир-бирини тўлдиради ва айни вақтда бир-биридан тубдан фарқ

⁷ Билимли авлод – буюк келажакнинг, талбиркор халқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса гарақчиётнинг кафолатидир. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 26 йиллигига бағишланган таъғанами маросимдаги маърузаси. — URL: <http://uz.uz/posts/bilimli-avlod-buyuk-kelazhakning-tadbirkor-khal-farovon-ayet-08-12-2018>

қилади. Бу ҳолат ҳуқуқий маданият ижтимоий ҳаётнинг барча томонлари билан узвийлиги натижасида келиб чиқадиган мураккаб ижтимоий ҳодиса эканлиги билан боғлиқ.

Ҳуқуқий фанларни ўрганиш давомида бўлажак божхона хизмати органи ходимларида нафақат ҳуқуқий билим, кунлик ва маҳорат, балки шахсий хислатлар ҳам шаклланиди. Ҳуқуқий таълим ва тарбиянинг ўзаро алоқадорлиги ана шунда намоён бўлади. Ҳуқуқий таълим-тарбияга яхлит жараён сифатида қараш билан бирга, улардаги нисбий мустақиллик ва ўзига хосликларни кўрмаслик мумкин эмас.

Бирок, бу бўлажак божхона хизмати органи ходими ҳуқуқий таъсирнинг ўзига хосликларини ўрганиши зарурлигини инкор этмайди, чунки ҳуқуқий тарбия ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва ҳуқуқий соҳада курсантларнинг фаол ҳаётий позицияларини шакллантиришнинг муҳим воситаси ҳисобланади.

Ҳуқуқий маданиятнинг такомиллашуви жараёнини тадқиқ этиш “ҳуқуқий онг” тушунчасини янада кенгрок ёритишни тақозо этади. Бу эса ҳуқуқий маданият умумий маданиятнинг таркибий қисми сифатида унинг бошқа, хусусан сиёсий, ахлоқий, диний, эстетик, бадний таркибий қисмлари билан узвийлиги ва ўзаро таъсир этиши билан боғлиқдир.

Н. Сабуровнинг фикрича, “ҳуқуқий онг — ижтимоий онг шаклларидан бири, инсонларнинг ҳуқуққа, қонунчиликка ва ҳуқуқ-тартиботга оид ғоя, ҳис-туйғу ва тасаввурлари йиғиндисидир”⁸.

Ҳуқуқий маданиятнинг функциялари унинг ижтимоий вазифаларни амалга ошириши жараёнида ҳуқуқий мулоқот ва ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг ҳуқуқий воситаларидан фойдаланиш билан боғлиқ хатти-ҳаракатларнинг барча турларини уйғунлаштириши ва уларга таъсир этишида кўринади. Яъни, ҳуқуқий маданиятнинг функциялари:

— ҳуқуқий ҳаётнинг энг муҳим хусусиятларини ифодалайди ва фаолиятни ҳуқуқий ҳаётда мавжуд бўлган энг муҳим масалаларни ҳал этишга йўналтиради;

— жамиятнинг ҳуқуқий тизимидаги ижтимоий яратувчилик, ижодийлик хусусиятини акс эттиради;

— ҳуқуқий тизим таркибига кирувчи барча қисмларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб туради;

— алоҳида шахслар, касбий (профессионал) ва ижтимоий-демографик гуруҳлар фаолияти орқали амал қилади;

— ҳуқуқ субъектларининг ҳуқуқий хатти-ҳаракат доирасида бевосита ҳамда ўтмиш ва ҳозирги давр ўртасида билвосита (манбалар орқали) мулоқот ўрнатиш қобилиятини шакллантиради;

— шахс ва жамият ҳаётининг турли жабҳаларига таъсир кўрсатишнинг алоҳида йўналишлари бўлиб, ҳар бири объектив ва субъектив борликқа ҳуқуқий таъсирни акс эттиради.

⁸ Сабуров Н. Давлат ва ҳуқуқ назарияси (саволлар, таърифлар, тушунча ва атамалар): Ўқув-услубий қўлланма. — Тошкент: ТДҚИ, 2009. — 32 б.

Бўлажак божхона хизмати органи ходимларида ҳуқуқий маданиятни такомиллаштиришнинг ўзига хос жиҳатларини объективлик ва субъективлик, аста-секинлик (изчиллик), алоҳидалик ҳамда умумийлик ташкил этади.

Тадқиқот муаммосини ёритишда бўлажак божхона хизмати органи ходимларининг ҳуқуқий маданиятини такомиллаштиришда эътибор қаратиш лозим бўлган ўзига хос шарт-шароитлар ҳам аниқлаштирилган. Булар бўлажак божхона органи хизмати ходимлари (курсантлар)нинг: таълим жараёни субъекти эканлиги; жамиятнинг ҳуқуқий ва сиёсий ҳаётида бевосита иштирок этиши; давлат хизматчиларининг алоҳида гуруҳи ҳисобланиши; ўзига хос ёш психологиясига эгалиги; курсантларнинг бир қисми ўз уйларидан узоқда яшашидир. Бўлажак божхона хизмати органи ходимларининг ҳуқуқий маданиятини такомиллаштиришда ушбу хусусият ва шарт-шароитлар ҳисобга олиниши зарур.

Бўлажак божхона хизмати органи ходимлари ҳуқуқий маданиятининг асосини қуйидагилар ташкил этади:

1) *ҳуқуқий саводхонлик*, яъни ҳуқуқий билимларни ўзлаштириш ва юридик маълумотга эга бўлиш. У.Таджиханов ва А.Саидов таъкидлаганларидек, ҳуқуқий саводхонлик юридик билимлар “алифбосини”, яъни энг оддий нормаларини билиш, ҳуқуқий курсатмаларнинг мураккаб лабиринтида адашмаслик, барча зарур ҳолларда мутахассисга ёрдам сўраб мурожаат қилиш эҳтиёжини ўзида шакллантиришни тақозо этади⁹. Ҳуқуқий саводхонлик ҳар қандай ҳолатда ҳам ўз хатти-ҳаракатини белгилаб олишда ҳуқуқий талабларга мувофиқ эталонларга суяниш имконини беради;

2) *қонунга ҳурмат*, яъни қонун қадрини баланд тутиш, унинг устуворлигини тан олиш. Қонунга ҳурматни амалда намоён этишнинг ўзи ҳуқуқий маданиятнинг юксак даражасидан далолат беради. Ҳуқуқий нормаларни чуқур билишга асосланган қонунга ҳурмат инсон ҳуқуқий маданиятининг муҳим хусусиятларидан биридир. У қонуннинг ижтимоий кадр-қимматини, унинг кўрсатмаларини бажариш шарт ва фойдали эканлигини, қонун амал қилишдан қониқиш ҳиссини, қонун талабларининг адолатлилигини, қонуний ҳуқуқ ва бурчларни бажаришга фаол ва ижодий ёндашишни қамраб олади. Қонунни ҳурмат қиладиган бўлажак божхона хизмати органи ходими нафақат ўзининг, балки бошқаларнинг ҳам ҳуқуқларини ҳимоя қилишда фаол бўлади;

3) *қонунга итоаткорлик*. Бўлажак божхона хизмати органи ходимларининг қонунга итоаткорлиги уларнинг юксак ҳуқуқий онглилигида, давлат ва жамият олдигаги масъулиятини, ижтимоий бурчини чуқур англашида намоён бўлади. Қонунга итоаткор ходим ҳуқуқий нормаларга қатъий риоя этиб, фақат халқ ёки жамият манфаатларига эмас, балки ўз манфаатларига ҳам хизмат қилишини яхши тушунади;

4) *ҳуқуқий билимларни амалда қўллаш*. Бўлажак божхона хизмати органи ходимлари ўз ҳуқуқий билимларини амалда қўллай олишлари керак. Бу

⁹ Таджиханов У., Саидов А. Ҳуқуқий маданият назарияси. Дарслик 2 томли 1-том. — Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1998. — Б. 32

уларга кундалик хулқ-атворини қонунчилик талабларига мувофиқлаштириш, турли ҳаётгий вазиятларда ўзларини тўғри тутиш имконини беради. Бўлажак божхона хизмати органи ходимларининг ҳуқуқий маданияти уларнинг ҳуқуқий билимларни ўрганишигина эмас, балки улардан ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган амалий фаолиятида фойдалана олиши ҳамдир;

5) юксак даражадаги ҳуқуқий фаоллик. Бу бўлажак божхона хизмати органи ходимларининг ташаббускорлиги ва ижодий фаолиятида ўз ифодасини топади. Уларни тарбиялашда асосий эътиборни олинган билимлар ҳаётда қандай қўлланилаётганига қаратиш керак. Айтиш мумкинки, бўлажак божхона хизмати органи ходимлари ҳуқуқий ҳаётдаги вазифаларни онгли равишда бажаришга қодир бўлсагина юксак даражадаги ҳуқуқий маданиятга эга бўладилар.


Диссертациянинг “Бўлажак божхона хизмати органи ходимларини касбий фаолиятга тайёрлаш жараёнида ҳуқуқий маданиятни такомиллаштириш методикаси” номли иккинчи бобида уларнинг ҳуқуқий маданиятини такомиллаштиришнинг ташкилий шарт-шароитлари, методикаси, модели ва уни амалга ошириш босқичлари ёритилган.

Сўнги йилларда божхона тизими учун кадрлар тайёрлаш соҳасида муҳим ишлар амалга оширилди. Хусусан, таълим жараёнига малакали педагог ходимлар жалб этилди, тегишли мутахассисликлар бўйича давлат таълим стандартлари, фан дастурлари ва ўқув адабиётлари яратилди. Эндиги вазифа бўлажак божхона хизмати органи ходимлари касбий тайёргарлигининг сифатини ошириш, яъни уларнинг касбий малакасини замон талабларига жавоб берадиган даражага етказишдир.

Божхона ходими, аввало, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи масъул давлат ходими, ҳуқуқий муносабатлар иштирокчисидир. Шу боис ҳам бўлажак божхона хизмати органи ходимларининг ҳуқуқий маданиятини такомиллаштириш методикасини ишлаб чиқишда, аввало, уларда қонунлар нафақат давлатнинг, балки фуқароларнинг ҳам манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилганига ишонч, ҳуқуқий фаолиятга оид кўникма ва малакалар ҳосил қилиш, ижтимоий-ҳуқуқий қонун-қоидаларга ҳурмат, ҳар қандай ҳуқуқбузарликларга нисбатан муросасизлик ҳиссини ва тезкорлик билан тўғри қарор қабул қилиш қобилиятини тарбиялаш зарур.

Тадқиқот жараёнида бўлажак божхона хизмати органи ходимларининг ҳуқуқий маданиятини такомиллаштиришнинг ўзига хос жиҳатлари кўрсатилган. Асосий методологик (дидактик) вазифа — курсантларнинг ҳуқуқий маданиятни такомиллаштириш жараёнини уларнинг касбий қизиқиши, мойиллиги ва ривожланиш ҳусусиятларини инобатга олган ҳолда, босқичма-босқич, тизимли равишда ташкил қилиш, шунингдек улар ўз касбий хислатларини янада ривожлантириши, ўз устида мунтазам ишлаши учун зарур педагогик-методик шарт-шароитлар яратишдир.

“Бўлажак божхона хизмати ходимларини касбий фаолиятга тайёрлаш жараёнида ҳуқуқий маданиятни такомиллаштириш модели” (1-расм) ва уни амалиётга тағбиқ этиш методикаси ишлаб чиқилган.



Ушбу моделда бир қанча мақсадлар назарда тутилган:

1) бўлажак божхона хизмати органи ходимларининг ҳуқуқий маданиятини такомиллаштириш жараёни элементлари (таркибий қисмлари)нинг ўзаро боғлиқлигини яхлит, бир бутун шаклда очиб бериш;

2) ҳуқуқий маданиятни такомиллаштириш жараёнининг методик моҳиятини замонавий педагогик шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда алоҳида кичик тизимлар кўринишида аниқ тасвирлаш;

3) курсантларга ҳуқуқий фанларни ўрганишлари ҳамда келгуси касбий фаолиятга тайёргарлик кўришларида методик ёрдам кўрсатиш.

Модель шахснинг фикрлашини жадаллаштириб, умуман ҳуқуқий маданиятни такомиллаштириш жараёнининг таркибий қисмлари ўртасидаги муҳим боғланишларни сезиш ва топишга мажбур қилади. Диссертацияда ҳуқуқий маданиятни такомиллаштириш жараёни ва унинг тузилишини (таркибий қисмларини) дидактик (методик) моделлаштириш куйидаги тамойиллар асосида амалга оширилган:

1) бўлажак божхона хизмати органи ходимларининг ҳуқуқий маданиятини такомиллаштиришнинг мазмуни, ташкилий шакл, усул ва воситалари ҳамда курсантларнинг интизомлилиги;

2) ҳуқуқий маданиятни такомиллаштиришнинг ўзаро боғлиқ унсурларидан ташкил топганлиги;

3) ҳуқуқий маданиятни такомиллаштириш жараёнининг мазмунини ташкил қилувчи таркибий қисмлар бир хилда мураккаб, қисқа ва аниқлиги;

4) мақсад ва вазифалар, асосий тушунчалар, сабаб-оқибат боғланишларини тизимлаштириш орқали аниқланадиган янги тузилмалар вужудга келиши.

Тадқиқотда юқорида таъкидланган тамойилларга асосланган ҳолда ҳуқуқий маданиятни такомиллаштириш моделининг куйидаги асосий ёндашувлари ажратилган:

1) қадриятли;

2) тизимли;

3) шахсга йўналтирилган.

Бўлажак божхона хизмати органи ходимларининг ҳуқуқий маданиятини ошириш мақсадида ўқув режалари, фан дастурлари ва ўқув-методик материаллар такомиллаштирилди. 5230500 — Божхона иши ва 5240100 — Юриспруденция (Иқтисодий хавфсизликни ҳуқуқий таъминлаш) каби бакалаврият таълим йўналишларида “Божхона органи ходимининг ҳуқуқий маданияти” махсус курси жорий этилди.

“Давлат ва ҳуқуқ назарияси”, “Фуқаролик ҳуқуқи” ҳамда “Маъмурий ҳуқуқ ва маъмурий жавобгарлик” фанлари бўйича фан дасгурларига бўлажак божхона хизмати органи ходимларининг ҳуқуқий маданиятини такомиллаштиришга қаратилган мавзулар киритилди, шунингдек тегишли мавзулар бўйича ўқув-методик материаллар ишлаб чиқилди.

Ҳуқуқий маданият узоқ давом этадиган, кенг кўламли ва самарали ҳуқуқий таълим-тарбия жараёнида шаклланади ва ривожланиб боради.

Бўлажак божхона хизмати органи ходимларида ушбу жараён бир қанча босқичларда кечади:

1-босқичда курсантларда божхона хизмати ходимлари маданиятига оид билим, кўникма ва маҳорат (компетенция) шакллантирилади;

2-босқичда бўлғуси божхона хизмати ходимлари ўзини ўзи бошқариш, ривожлантириш ва мустақил таълим олиш кўникмаларини шакллантириш жараёнида ўз устида ишлаш, касбий ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, соҳага оид маълумотларни мустақил равишда излаш, улардан фойдаланиш ва зарурларини танлашни ўрганадилар;

3-босқичда соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни танқидий таҳлил қилиш, янгиларини излаш, мавжуд муаммоларни аниқлаш, уларнинг ечимларини топиш, келгуси касбий фаолиятда улардан самарали фойдаланиш кўникмалари ҳосил қилинади.

Таълим жараёнида юридик фанларни ўқитишдан кўзланган асосий мақсад — курсантларда ҳуқуқий билимларни эгаллаш, ҳуқуқий ишонч ва эътиқодни, ижтимоий-ҳуқуқий фаоллик кўникмаларини ҳосил қилиш орқали уларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантиришдир.

Ана шу умумий мақсаддан келиб чиққан ҳолда куйидаги вазифаларни бажариш зарур бўлади:

1) курсантлар давлат ва ҳуқуқ масалаларига оид маълумотларни ўзлаштириши орқали ҳаёт ва фаолиятга бевосита алоқадор билимларни эгаллаши учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

2) уларда қонунга, инсон ҳуқуқларига, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига ҳурмат ҳиссини тарбиялаш;

3) уларда ҳуқуқий нормаларга мос ҳаракат қилиш қобилиятини ривожлантириш;

4) курсантларда фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, уларни қонун бузилишининг ҳар қандай кўринишларига нисбатан муросасизлик руҳида тарбиялаш;

5) уларда ҳар қандай муаммони қонуний йўл билан ҳал этиш кўникмасини ҳосил қилиш;

6) ҳуқуқий фаолликни тарбиялаш.

Умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўқитиш орқали ҳуқуқий маданиятни такомиллаштириш методикасини ишлаб чиқиш учун “Казус”, “Кейс-стади”, “Мантикий чалқаш занжир”, “БББ”, “Блиц-сўров”, “Венн диаграммаси”, “Баҳс-мунозара”, “Т-чизма”, “Қарама-қарши муносабат” каби интерфаол таълим усуллари қўлланилган.

Шунингдек, “Бўлажак божхона хизмати органи ходимларининг ҳуқуқий маданияти” махсус курси бўйича ўқув машгулотларини режалаштиришда муаммоли маърузалар ўқиш, дарсларни савол-жавоб тарзида қизиқарли ташкил қилиш, мультимедиа воситаларидан унумли фойдаланиш, курсантлар билан яқка тартибда ишлаш, эркин мулоқот юритиш ҳамда уларни илмий изланишларга жалб этишга алоҳида эътибор қаратилган. Айни вақтда, курсантларнинг ҳуқуқий маданиятини ривожлантиришда ишонтириш, машқ

килдириш, рағбатлантириш, намуна кўрсатиш методлари ҳам самара берган. Зарур ҳолларда мажбурлаш усули ҳам муваффақиятли қўлланган.

Бўлажак божхона хизмати органи ходимларининг ҳуқуқий маданиятини баҳолаш учун бир-бирини тўлдирувчи қуйидаги мезонлар аниқланган:

интеллектуал мезон — ҳуқуқий билим, ҳуқуқий қарашлар ҳамда ҳуқуқий онгининг шаклланганлик даражасида ифодаланади;

мотивацион-қадриятли мезон — ҳуқуқий мотив, ҳуқуқий кўрсатма (установка), ҳуқуқий хулқ-атворнинг шаклланганлик даражасини кўрсатади;

амалий фаолият — ҳуқуқий билим, қўникма ва малакани амалий фаолиятда қўллай олишда намоён бўлади.

